

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЧИ КУЧИ ТАКЛИФИ ШАКЛЛАНИШИ ВА УНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТАҲЛИЛИ

Ганиев Бахтиёр Зулфиқор ўғли –
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети таянч докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда ишчи кучи таклифининг шаклланиши, ундаги динамик ўзгаришлар ва уни таҳлил этишнинг объектив сабаблари ёритилган. Ишчи кучи таклифидаги динамик ўзгаришлар ҳамда иқтисодий фаол ишчи кучининг ҳудудлар кесимида ўзгариши баён этилган. Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат учун макро даражадаги муаммо ҳисобланадиган ишчи кучининг юқори сураътларда ўсишига мос иқтисодий сиёсат зарурлигини асослаган ҳолда бир нечта илмий тавсиялар келтириб ўтилган.

Таянч сўзлар: ишчи кучи таклифи, иқтисодий фаол ишчи кучи, аҳоли демографияси, реал иш ҳақи.

Кириш.

Дунёда ҳар бир иқтисодиётда ўзининг хусусиятларидан ва шарт-шароитларидан келиб чиқиб турли хил ҳолатдаги ишчи кучи бозорига эга ҳисобланади. Айрим давлатлар бор ишчи кучи таклифи унга бўлган талабга нисбатан турли даражада (паст, ўрта ва юқори) кўп, баъзи давлатлар бор ишчи кучига бўлган талаб унинг таклифидан турли даражада (паст, ўрта ва юқори) кўпроқ ва яъна шундайлари борки, улар ишчи кучи бозорига талаб ва таклифни бир-бирига жуда яқин олиб келишади, яъни улар ўртасидаги мутаносибликни таъминлайди. Бунинг натижасида иқтисодий хавфсизлик нуқтаи назардан бу ҳолатнинг барқарорлигини талаб ҳамда таклиф томондан самарали чоратадбирларни амалга ошириш орқали эришади ва паст даражадаги ишсизликка юзага келтиради. Ўзбекистонда эса сурункали равишда ишчи кучи ресурслари таклифининг ортиқчалиги ҳолати кузатилади. Шу сабабли мамлакатимиз ишчи кучи бозорига “тарози” нинг иккинчи палласи ишчи кучи таклифини таҳлил қиламиз.

Ишчи кучи таклифи ўзгаришида ўз аксини топадиган энг асосий кўрсаткич – бу аҳоли демографияси ҳисобланади. Бу жараёнда саналадиган ўзгарувчилар: туғилиш коэффициенти, ўлимлар сони, миграциядаги ўзгаришлар кабиллар ва категорияли ўзгарувчилардан: фарзанд кўришни кечиктириш, камроқ фарзанд кўриш истаги кабилар ўз аксини топади. Дунё тажрибасидан маълумки, айрим давлатлар демографиясидаги ўзгаришлар

ижобий, салбий ва мувозанатлашган бўлиши мумкин. Бу борада энг кенг тарқалган ва қизиқарли наъмуна – Япония тажрибасидир. Кунчиқар мамлакат дунёдаги аҳолиси энг тез қариб бораётган давлат ҳисобланади. 2021 йил якунларига кўра, 800 мингдан сал ошиқроқ чақалоқ дунёга келган бўлса вафот этганлар сони эса 1,8 баробарга (1440000 киши) кўпроқни ташкил этмоқда. Фикримизча, юқоридаги таҳлил демографик ўзгаришлар ялпи ишчи кучида ўз аксини топиши ва натижада ишчи кучи бозорининг қисқариши ёки кенгайишини асослаб беради.

Мамлакатимизда аксинча ҳолат: аҳоли сони доимий равишда ўсиш хусусиятига эга эканлигининг гувоҳи бўламиз. Мазкур ҳолат яқин ва ўрта муддатларда ишчи кучи бозори сиғими ортиши ҳамда тегишли мутассади ташкилотларнинг бозорни мувозанатлаштириш бўйича юкламалари ортишига сабаб бўлади.

Адабиётлар таҳлили.

Иқтисодий тарихга назар ташласак, замон ва макондан қатъий назар ишчи кучи бозорининг таркибий қисми сифатида ишчи кучи таклифи доимо иқтисодчилар диққат марказида бўлиб келган ва ўзларининг фикрларини баён этишган. Қуйида шулардан айримларига тўхталиб ўтамиз.

Узоқ муддатда ялпи ишчи кучи назарияси сабали, аҳолининг ўсиши назарияси классик иқтисодчилар диққат марказида бўлган бўлиб, иқтисодий тарихчилар томонидан А.Смит ва унинг тарафдорларининг якка ишчи кучи

таклифи бўйича қарашларига нисбатан ўз фикрларини билдирган.


А.Маршаллишчикучитаклифитабиатини тушунтиришда дам олишнинг нафлилигини таъсир этувчи омил сифатида танлаган илк иқтисодчи ҳисобланади. Иқтисодчи меҳнат бўйича ўз қарашларига эга бўлиб, меҳнатни у тўғридан-тўғри ишдан олинадиган завқдан ташқари бирон бир яхшилик учун қисман ёки тўлиқ амалга оширилган ақл ёки тананинг ҳар қандай ҳаракатлари деб таърифлайди [1].

Шунингдек А.Маршалл классик иқтисодий мактаб вакиллари каби иш ҳақининг юқори ёки паст бўлиши ишчи кучи таклифи ҳамда унга бўлган талаб ўртасида номутаносибликлар келтириб чиқаради деб ҳисоблайди. Пигу меҳнатга ҳақ тўлашнинг юқори даражаси ишчи кучига бўлган талабни пасайтиради аммо ишчи кучи таклифини орттиради ва аксинча иш ҳақининг кам тўлаши ишчи кучига бўлган талабни оширади аммо ишчи кучи таклифини қисқаришига

сабаб бўлади [2]. Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки ишчи кучи таклифи ҳамда унга бўлган талаб ўртасида мутаносиблик бўлиши учун оптимал иш ҳақи даражаси қарор топишини талаб этади.

Кейнсчилик иқтисодий мактаби вакиллари назариясига кўра, жамғарма ва инвестициялар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш жуда муҳим ҳисобланади. Акс ҳолда умумий ишлаб чиқариш ҳажми пасайишига сабаб бўлиши, оқибатда ишчи кучига бўлган талаб пасайиши кузатилиши мумкин.

Абдураҳмонов Қ.Х нинг фикрига кўра, меҳнат ресурсларининг таклифи – бу меҳнат қилишга қобил бўлган аҳоли томонидан ўз меҳнат қобилиятини ҳаётий зарур бўлган неъматларга алмашиш мақсадида иш таклиф қилувчиларга амалга ошириладиган таклифдир [3]. Мазкур гуруҳлар бўйича ялпи ишчи кучи таркибида рўй бераётган ўзгаришларни қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин:



1-чизма. Ишчи кучи ресурслари таркибида кузатиладиган ўзгаришлар [4].

Юқоридаги чизмада ишчи кучи ресурслари 3 гуруҳга ажратилган: 1) иш билан бандлар – E 2) ишсизлар – U, аммо фаол тарзда иш қидирувчилар; 3) ишламайдиганлар ҳамда иш қидирмаётганлар (N). Ишчи кучи ресурсларининг доимий равишда бир гуруҳдан бошқа бирига ўтиб туриши қуйидаги йўналишлар орқали ифодаланади:

1–меҳнат фаолиятини тўхтатмасдан иш жойини ўзгартирадиганлар;

2–иш жойини ўзгартириш мақсадида ишдан бўшаган, аммо дарҳол янги иш топа олмаганлар;

3–янги иш билан таъминланган ишсизлар;

4–иш қидиришдан воз кечиб, ихтиёрий равишда ишламайдиганлар таркибига қўшилганлар;

5 – ихтиёрий равишдаги ишламаётганлар-

да ишлаш истаги пайдо бўлган, бироқ дарҳол ишга жойлаша олмаганлар;

6 – ихтиёрий равишдаги ишламаётганларда ишлаш истаги пайдо бўлган ҳамда дарҳол ишга жойлашганлар;

7 – ишлаш истагидан воз кечиб, ихтиёрий равишда ишламаётганлар таркибига қўшилганлар.

E ни иш билан бан бўлганлар сони, U иш билан банд бўлмаганлар сони деб оламиз. Агар кимки ишсиз ёки иш билан банд бўлса демак уни ишчи кучи таркибига киритилади. Ишчи кучи миқдори қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$LF=E+U$$

Таъкидлаш мумкинки, аксарият инсонлар қанча вақт ишлашидан қатъий назар ишчи кучи таркибига киритилади.

Шунинг учун ишчи кучи миқдорига қараб меҳнат интензивлиги ҳақида бир нарса дея олмаймиз.

Ишчи кучи иштироки кўрсаткичи ишчи кучининг умумий аҳоли сонига улушини билдиради ва қуйидагича тас-
вирланади

$$LFPR=LF/P$$

Ишсизлик даражаси ишсизлар сонинг ишчи кучи таркибига улушини англатади:

$$UR=U/LF$$

Ишчи кучининг миқдори мамлакат аҳолисининг меҳнатга лаёқатли бўлган қисми орқали ифодаланиб, у ишчи кучи ресурслари деб ҳам аталади. Инсоннинг ишчи кучи ресурслари таркибига киритилишининг асо-
сий мезони унинг ёши ва меҳнатга булган қобилияти ҳисобланади. Одатда ишчи кучи ресурслари таркибига 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар, 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар киритилади. Лекин ижтимоий ишлаб чиуариш ва бошқа сохаларда банд бўлган пенсионерлар ҳам ишлаши мумкин. Ишчи кучи таклифи – бу муайян вақтда иш ҳақининг таркиб топган даражасида ишга ёлланишга тайёр бўлган меҳнатга лаёқатли ишчи кучи миқдори. Ишчи кучи таклифи меҳнат килиш ёшидаги турли касб ва мутахассисликка эга бўлган кишиларнинг ишлашга бўлган лаёқатини намоён этади [5].

Ишчи кучи таклифининг статик моделига кўра, ҳар бир индивидуал меҳнат билан боғлиқ (W-иш ҳақи) ва боғлиқ бўлмаган даромад (non-labor income) билан тўқнаш келади. Натижада, ишдан олинган нафлиликни (U (L,Y)) максималлаштиришга ҳаракат қилади. Ишчи иш ҳақи (w) ва дам олиш вақти (л) ларине бир вақтнинг ўзида юқори бўлишини хоҳлайди [6].

$$Wh+N=y$$

$$H=T-l$$

Бу ерда:

w- соатбай иш ҳақи

h- ишланган вақт

T- вақт омили

N- меҳнат билан боғлиқ бўлмаган даромад

Агар ишчининг қанча вақтни ишлашга сарфлаши ва унинг даромади ўртасида боғлиқлик бор десак, унда қуйидаги регрессия тенгламасини ҳосил қиламиз:

$$h_i = \alpha + \beta w_i + \gamma N_i + \varphi X_i + \varepsilon_i$$

бу ерда:

w_i - солиқдан кейинг иш ҳақи

N_i - меҳнатга боғлиқ бўлмаган даромад

X_i - демографик контрол (ёш, тажриба, таълим кабилар)

β - компенсация қилинмаган иш ҳақи таъсири ўлчовлари

φ - даромад самараси

Қачонки ишчи кучи таклифи хусусида сўз юритилганда, иқтисодий фаол аҳоли концепциясига тўхталмасдан бошқа илож йўқ. Женевада, 1982 йилда ўтказилган ўн учинчи Халқаро Меҳнат иқтисодиёти бўйича статистик олимлар конференциясидаги резолюцияга кўра, “иқтисодий фаол аҳоли” ўз ичига иқтисодий товар ва хизматларни яратиш жараёни учун ишлаб чиқариш омилларидан бири бўлган, ишчи кучини юзага келтирувчи барча инсонларни олади [7]. Иқтисодий фаоллик давлатларнинг ўзига хос бўлган шарт-шароитларидан келиб чиқиб турлича бўлади. Баъзи давлатларда ишчи кучини иқтисодий жиҳатдан фаоллигининг нисбатан юқори даражасини бошқа бирларида эса нисбатан паст даражасини кузатиш мумкин. Замонавий иқтисодиётда давлатлар ушбу муаммоларни ечишда ўзларига инновацион векторларни белгилаб олишлари зарур [8]. Бундай ҳолатда, одатда, зарур бўладиган мустақил ўзгарувчилар сифатида реал иш ҳақи, аҳоли жон бошига ЯИМ, инфляция даражаси кабилардан фойдаланиш мумкин [9].

Тадқиқот методикаси.

Мамлакатимизда ишчи кучи бозорининг таклиф томонидаги ўзгаришларни ўрганиш ва илмий тадқиқ қилиш мобайнида илмий абстракциялаш, қиёсий ва тизимли таҳлил, синтез, индукция ва дедукция, статистик гурухлаш ва шу каби бошқа илмий билиш усулларидан ҳам фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар.

Маълумки, ишчи кучи таклифига турли хил омиллар таъсир этади. Шулардан бири бу мамлакатдаги демографик ўзгаришлар. Ўзбекистондаги демографик ўзгаришларнинг айрим жиҳатларини қуйидаги жадвал ўзида акс эттиради.




1 – диаграмма. Ўзбекистонда демографиясидаги баъзи ўзгаришлар¹

Юқорида келтирилган чизмадан кўринадик, мамлакатимизда аҳоли сони ўсишининг катта ҳиссаси 2005 ва 2010 йиллар оралиғига тўғри келади. Мазкур кўрсаткич 2010 йилдан 2022 йилгача бир маромда ўсишда давом этиб келмоқда. Аҳоли сонидан эркеклар биров устунлик қилаётган бўлишига қарамасдан, иккала жинсдагиларнинг ўсиш даражаси деярли бир хил натижани кўрсатмоқда.

1-график. Ўзбекистонда ишчи кучи фаоллик даражаси ва реал иш ҳақи ўзгариш динамикаси²

Юқоридаги иқтисодий фаол ва реал иш ҳақидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттирган чизмадан келиб

чиқиб айтиш мумкинки, ўзгарувчилар ўрта-сида маълум вақт оралиғида мутаносибликни кузатиш мумкин. Аммо айрим вақт оралиқларида улар орасида тескари тенденциялар содир бўлган. 2010 йилдан 2016 йилгача муддат оралиғида реал иш ҳақи ҳамда ишчи кучи фаоллиги даражаси маълум бир маънода синхронлик касб этган. 2016 ва 2019 йиллар оралиғида ўзгарувчилар орасида мутаносиблик йўқолган ва 2020 йилга келиб уларда пасайиш кузатилган. Юқоридаги номуаносибликларни вақт оралиқларида содир бўлган сиёсий ҳамда эпидемиологик ҳодисалар билан боғлаш мумкин.



2-график. Ўзбекистонда ҳудудлар кесимида ишчи кучи фаоллик даражаси³

Юқоридаги Ўзбекистонда ҳудудлар кесимида ишчи кучи фаоллик даражаси тўғрисидаги расм маълумотларидан кўринадик, Республика бўйича ўртача фаоллик да-

ражаси 2017 йилга қадар секин-асталик билан ошиб келган ва озининг энг юқори нуқтасига 2019 йилда эришган (%75). Шунинг билан бирга алоҳида факт сифатида Тошкент

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси сайти (www.stat.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан яратилган.

² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси сайти (www.stat.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан яратилган.

³ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси сайти (www.stat.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан яратилган.

шаҳрида меҳнат фаолияти билан банд бўлишни истаганлар берилган вақт оралиғида доимий равишда Республика бўйича ўртачадан ва ҳаттоки бошқа ҳудудий бирликлардагидан юқори бўлган. Қизиқарли томони шундаки, 2017 йилдан бошлаб иқтисодий фаоллик Тошкент шаҳрида сезиларли равишда ошган бир пайтда, ўртачадан юқори бўлган ҳудуд-

ларнинг ўртачага қараб пасайганини ва ўртачадан паст бўлган ҳудудларнинг ўртачага қараб юқорилаганини кузатиш мумкин. Яъни, умумий ҳолатда Тошкент шаҳридан фарқли равишда барча вилоятлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида фаоллик кўрсаткичи ўртачага тортилган.

1 – жадвал.

Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг ўзгариши⁴

	2010 йилга нисбатан, %	2015 йилга нисбатан, %	2010 йилга нисбатан, %	2021 йилга нисбатан, %	2010 йилга нисбатан, %	2015 йилга нисбатан, %
Меҳнатга лаёқатли аҳоли, минг киши	17379,2	19150,6	10,2	20226,8	16,4	5,6
Иқтисодий фаол аҳоли, минг киши	12286,6	13767,7	12	14980,7	21,9	8,8

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони доимий ўсиб боровчи трендга эга. Айниқса, 2010–2015 йиллар оралиғида юқори ўсиш кузатилган бўлиб, 2015–2021 йиллар оралиғида меҳнатга лат ёқатли аҳоли сонининг ўсиши секинлашган. Аммо, унинг ҳажми катталашган сари кичик фоиздаги ўсиш ҳам сезиларли ўзгаришга сабаб бўлади. Иқтисодий фаол аҳоли ҳажми эса, биринчи беш йилликда иккинчи беш йилликка нисбатан юқорироқ ўсиш сураътини намоён этган бўлиб, мос равишда %12 ва %8,8 ни ташкил этган. Қизиқарлиси, 2017 йилдан 2022 йилгача меҳнатга лаёқатли аҳоли сони деярли бир хил фоизда ўсган. Табиий савол туғилади нега? Биламизки, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонидagi ўзгариш аҳолининг табиий ўсиши (ўн олти йил олдинги ўзгариш), соф миграция (жорий йилдаги ўзгариш) кабиларга аҳамиятли даражада боғлиқ.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимиз ишчи кучи бозорининг муаммоли

томонларидан бири – бу юқори сураътларда ўсувчи таклиф ҳисобланади. Бу мамлакатимиз ишчи кучи бозори учун ҳам хос бўлган муаммо саналаси. Шунингдек мамлакатимиз ҳудудларида ишчи кучининг иқтисодий фаоллик даражаси улардаги шарт-шароитлар сабаб бир-биридан фарқ қилади. Айниқса Тошкент шаҳридаги фаоллик доимий равишда бошқа ҳудудларга нисбатан жуда катта устунликка эга бўлиб келмоқда. Бунинг ҳудудаги ижтимоий ҳамда иқтисодий инфратузилманинг юқори даражада эканлиги билан ифодалаш мумкин. Шунингдек, ишчи кучи бозориди талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносибликни белгилаб бериувчи энг асосий омил ҳисобланган реал иш ҳақи билан ишчи кучи таклифи ўртасида айрим номутаносибликлар мавжуд.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги илмий-назарий мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни тавсия сифатида келтириш мумкин:

- Ўсувчан ишчи кучи таклифи учун узоқ ва қисқа муддатларда таъсирчан иқтисодий

⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси сайти (www.stat.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан яратилган.

чора ва тадбирларни амалга ошириш;
- Ишчи кучи бозорида талаб ва таклиф ўртасида мутаносибликни меъёрлаштириш учун ишчи кучи таклифи ҳамда реал иш ҳақи ўртасидаги айрим номутаносибликларни бар- тараф этиш;

- Худудлардаги ишчи кучининг иқ- тисодий фаоллиги бўйича тафовутларни бар тараф этиш учун худудлардаги ижтимоий ҳамда иқтисодий инфратузилмани янада яхшилаш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. James O'Connor, "Smith and Marshall on the Individual's Supply of Labor: A Note", *Industrial and Labor Relations Review*, Vol. 14, No. 2 (Jan., 1961), pp. 273-276, <http://www.jstor.org/stable/2520273> Accessed: 28/06/2014
2. A.Marshall "Principles of economics", reprinted by Palgrave Classics in Economics, 2013
3. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: Дарслик – Т.: IQTISODIYOT, 628– .2018 б.
4. Экономическая теория: Учебник. – Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добринина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, -503-502 ,2005бетлар.
5. Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Гофуров "Иқтисодиёт назарияси" дарслик, – Т.: IQTISOD-MOL1YA, .2010 728 – бет
6. Hillary Hoynes, "Taxes and labor supply", hwhoynes@ucdavis.edu
Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси веб сайти. stat.uz
7. "Resolution concerning statistics of the economically active population, employment, unemployment and underemployment", Thirteenth International Conference of Labour Statisticians, Geneva, 18-29 October 1982.
8. Пигина Т.Н.. «Факторы предложения рабочей силы и их влияние на рынок труда республики Хакасия» Вестник Красноярского государственного аграрного университета, no. ,3 2015, pp. 160-153.
9. Джумамбаев С. «Прогноз предложения рабочей силы в условиях модернизации рынка труда в казахстане» *Вестник КазНУ. Серия Экономическая* [Онлайн], Том 126 Номер 25) 4 December 2018)
www.stat.uz

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТДА АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ

ВОЗМОЖНОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ ЖЕНСКОГО ТРУДА В ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКЕ

OPPORTUNITIES FOR ORGANIZING WOMEN'S LABOR IN INNOVATIVE ECONOMY

Ирматова Азиза Бахрамовна –

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети Инсон ресурсларини бошқариш кафедраси
доценти, иқтисодиёт фанлари доктори,*

Аннотация: Мақолада инновацион иқтисодиётда аёллар меҳнатини ташкил этишнинг имкониятлари айнан интеллектуал меҳнатдан, тадбиркорликдан, ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш орқали ташкил этиш масалалари кўрилган. Бу борада ҳозирги иқтисодчи олимларнинг илмий-назарий тадқиқотлари чуқур тадқиқ этилиб, SEM модели ёрдамида гипотеза таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар олинди.

Калит сўзлари: аёллар меҳнати, интеллектуал меҳнат, тадбиркорлик фаолияти, аёллар бандлиги, ахборот-коммуникация технологиялари